



РАХИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти
тарих фанлари номзоди
durbekr@yahoo.com

МОВАРОУННАХР УЛАМОЛАРИНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ВКЛАД УЧЕНЫХ МОВАРОУННАХРА В РАЗВИТИЕ НАУКИ ХАДИС

THE CONTRIBUTION OF MAWARANNAHR SCHOLARS TO THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF HADITH

Аннотация. Ушбу мақолада Мовароуннахр уламоларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари кўрсатиб берилган. VII асрда бу ўлкага кириб келган ислом дини билан бир қаторда ҳадислар ва ҳадис илми ҳам кириб келди. Бу ўлқадан чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Доримий каби муҳаддис олимлар 10 мингдан ортиқ энг ишончли саҳиҳ ҳадисларни ўзларининг тўпламларига жамладилар. Шунингдек, ислом илмларидан ақида, фикҳ, тасаввуф каби илм соҳалари вакиллари ҳам ҳадис илми ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Калит сўзлар: Мовароуннахр, ҳадис илми, Самарқанд, Бухоро, Шош, Бухорий, Термизий, Доримий, “Саҳиҳ”, “Сунан”.

Аннотация. В данной статье показан вклад учёных Мовароуннахра в развитие науки хадис. Вместе с исламом, пришедшим в этот край в VII веке, появились также хадисы и наука хадис. Вышедцы из данного региона учёные-мухаддисы, такие как Имам Бухари, Имам Термизи, Дарими, собрали в своих сборниках более 10 тысячи достоверных (сахих) хадисов. Также в развитие науки хадис внесли свой

вклад представители исламских наук, таких как ақида, фикх и суфизм.

Ключевые слова: Мовароуннахр, наука хадис, Самарқанд, Бухара, Шаш, Бухари, Термизи, Дарими, “Саҳиҳ”, “Сунан”.

Annotation. This article shows the contribution of Mawarannahr scholars to the development of the science of hadith. Together with Islam, which came to this region in the 7th century, also came hadiths and the science of hadith. Muhaddith scholars who came from this country, such as Imam Bukhari, Imam Tirmizi, Imam Darimi, collected more than 10 thousand reliable (sahih) hadiths in their collections. Representatives of Islamic sciences, such as aqida, fiqh and Sufism, also contributed to the development of the science of hadith.

Keywords: Mawarannahr, hadith science, Samarkand, Bukhara, Shash, Bukhari, Termizi, Darimi, “Sahih”, “Sunan”.

КИРИШ

Ислом тарихида Мовароуннахр ҳадис илми ривожига муҳим аҳамият касб этган ўлка ҳисобланади. Бу минтақа уламолари нафақат ҳадис илми, балки барча ислом илмлари ривожига улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Ислом илмлари тарихга назар ташланса, муҳаддисларнинг ҳадис йиғиш мақсадида сафарга чиқишлари VIII асрдан бошлаб жадаллашди. Иснодлар таркибини ўрганиш шуни кўрсатадики, шу даврдан бошлаб муҳаддисларнинг ҳадис талабида фаол ҳаракатлари бошланган ва турли шаҳарлардаги ҳадис илми марказлари орасида боғланиш пайдо бўлган. Чунки хижрий биринчи асрнинг охириги уч ўн йиллигида (71-101/690-720) ислом оламининг алоҳида маъмурий марказларида ҳадисга бўлган қизиқиш аста-секин орта борди [12:6]. Мовароуннахрда ҳам мазкур даврдан бошлаб ҳадис илми ривожлана бошлади.

Ислом дини Мовароуннахрга кириб келган вақтда бу ўлкада, «Китоб ал-қанд» [1] ва «Китоб ал-ансоб» [2] каби манбалар берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда 3000 дан ортиқ ҳадис илми намояндалари яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортигининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан

ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Усрушана, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар. Келтирилган рақамлар Мовароуннахр ўлкасининг ҳадис илми бўйича илмий-маданий аҳамиятга эга марказ бўлганлигини тўла тасдиқлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу минтақадаги ҳадис илми вакиллари ўз салафлари сифатида бу ерга илк кириб келган араб саркардалари ва улар билан бирга келган саҳоба ва тобеинлар номларини зикр этганлар ва улар ривоят қилган ҳадисларини келтирганлар. Масалан, Абу Ҳафс Насафий (1068-1142) Саид ибн Жаноҳ Бухорийнинг «Китоб ал-қибла» асари воситасида Мовароуннахрга 674675 йилда кириб келган тўққиз кишининг номини келтиради [1:50]. Улар ушбу даврда яшаган Саид ибн Усмон ибн Аффон, Қусам ибн Аббос, Абул Олия Руфай ибн Михрон, Муҳаммад ибн Воси, Бурд (Анас ибн Моликнинг мавлоси), Дахҳок ибн Музоҳим, Лайс ибн Аби Сулайм, Зиёд ибн Михрон, Хулайд ибн Ҳассон каби тобеин ва бошқа мусулмонлар эди.

Усмон ибн Аффоннинг ўғли Саид ибн Усмон умавий халифа Муовия ибн Аби Суфённинг Хуросонга тайинлаган волийси бўлиб, 54-55/674-675 йилларда Мовароуннахрга қилинган юришда қўшинга раҳбарлик қилган. Абу Ҳафс Насафий унинг бу юртга кириши ва ундан чиқиши ҳақидаги хабарни қуйидаги тарзда беради:

«Самарқанд дарвозасида унинг бир кўзига ўқ текканидан кейин иккинчи кўзига ҳам озор етиб бутунлай кўр бўлиб қолишдан қўрқди ва ўзининг тунги юришларини тарк этди. Саид ибн Усмоннинг қора чодир (суродик) бўлиб, унинг катталигидан ичида отини машқ қилдирар эди. Ироқ ҳокими Ҳажжож ибн Юсуфнинг амакиси Абдуллоҳ ибн Аби Уқайл у билан бирга эди. Саид ибн Усмон Ироққа қайтганида ўзи билан Хотун (Бухоро ҳокими)дан гаровга олган деҳқонларнинг ўғилларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Уларни Мадинада ер ҳайдаш ишларида ишлашга мажбур этди. Гаровга олинганлар бир куни Саид ибн Усмонга ханжарлари билан ҳамла қилиб уни ўлдирдилар ва тоққа қочдилар. У ерда қамалда қолиб,

сувсизликдан ўзлари ҳам ҳалок бўлдилар» [1:71-72].

Саид ибн Усмоннинг халифа Муовия тарафидан Хуросонга волий этиб жўнатилишига яна бир сабаб умавий халифа уни халифаликдан узоқлаштиришни кўзлаганлиги эди. Чунки Муовия ўғли Язидни ўзига валиаҳд қилиб тайинлаганида Мадина аҳли бу қарордан норози бўлиб:

والله لا ينالها يزيد
حتى يعضّ هامه الحديد
إن الأمير بعده سعيد

Яъни, «Язид бунга эриша олмайди, ... ундан (Муовиядан) кейин амир Саиддир», деган мазмундаги шеърни айтадилар. Шундан сўнг Саид, халифаликка даъвогарлик қилмаслиги учун, Муовия уни Хуросонга волий қилиб юборди [1:71]. Абу Ҳафс Насафий Саид ибн Усмоннинг ҳадис илмига алоқадорлигини кўрсатиш мақсадида унинг Марв масжидидаги минбардан туриб хутбада ўз отаси Усмон ибн Аффондан эшитган икки ҳадисни ривоят қилганлигини келтиради [1:71-72; 299-300]. Аммо, Абу Ҳафс Насафий Саиднинг муҳаддис сифатида олиб борган фаолияти ҳақида ҳеч нарсa демайди.

Абу Жаъфар Қусам ибн Аббос (в. 676 й.) Мовароуннахрга қилинган юриш даврида Саид ибн Усмон қўшинида бўлган. Пайғамбарга амакивачча бўлмиш бу саҳоба Саид ибн Усмон Самарқанднинг остонасида турганида унга етиб олди. Қўшин бошлиғи уни иззатикром билан кутиб олди. Улар биргаликда Самарқанд шаҳрини фатҳ этдилар. Уструшанани фатҳ этиш учун у ерга борганларида Ширкас деган жойда бир неча кун тўхтадилар. Шу ерда Қусам ибн Аббос вафот этди. Саид ибн Усмон ва қўшин унга жаноза ўқиб, уни шаҳарга олиб кетдилар [1:528-529]. Самарқанддаги «Шоҳи зинда» («Тирик Шоҳ») номи билан машҳур зиёратгоҳ ҳисобланмиш мақбара Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ бўлсада, Қусамнинг қаерда ўлган ва дафн этилганлиги хусусида уламолар орасида икки хил фикр мавжуд: Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий ва бошқа баъзи олимлар у Марвда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган десалар, Имом Бухорий (810-870) каби бошқа олимлар Самарқандда шахид бўлган (яъни, ўлдирилган) ва шу ерда қўмилган дейдилар [1:528].

Қусам ибн Аббос ҳақида халқ орасида турли ривоятлар ҳам мавжуд. Улардан бирига

кўра, бу саҳоба кофирлардан қочиб, унинг қаршисида мўъжизали тарзда очилган қояга (яна бир ривоятга кўра чоҳга [3:25-35]) кириб ғойиб бўлган. Аммо тадқиқотчилар орасида «Шоҳи зинда» зиёратгоҳи ўрнида исломдан олдин ҳам муқаддас ҳисобланган жой бўлган, Қусам ибн Аббоснинг яқинлари бўлмиш Аббосийлар даврида эса унга алоҳида эътибор қаратилиб, машҳур зиёратгоҳга айлантирилган бўлиши керак, деган фикрлар ҳам мавжуд [10:142143]. Абу Ҳафс Насафийнинг гувоҳлик беришича, XII асрда Қусам ибн Аббоснинг макбараси машҳур зиёратгоҳлардан эди. Абу Ҳафс Насафий бу саҳоба ривоят қилган икки ҳадисни келтиради. Улардан бирида Қусам ибн Аббос Пайғамбардан ушбу ҳадисни ривоят қилади: «Фазлу қарам ва адолатни Аллоҳнинг раҳмдил бандаларидан талаб қилинган, шунда уларнинг паноҳида кун кечирасизлар» [1:528-532].

IX асрга келиб ҳадис илмининг энг ривожланган даври – “Олтин асри” бошланди. Бу даврда мовароуннаҳрлик муҳаддислардан энг аввало Имом Бухорий ва ундан кейинги муҳаддисларни санаб ўтиш мумкин. 600 минг ҳадисни иснодлари билан билган бу олимнинг “ал-Жоми ас-саҳиҳ” асарини тузишда ўз шартлари бор эди. Мазкур ҳадислардан фақат 7275 тасини (такрорсиз 4000 та) ўз “Саҳиҳ”ига киритган бу олимнинг шартлари бошқа муҳаддисларникидан кўпроқ бўлиб, 12 тага етган. Ундан бошқа муҳаддисларнинг ҳадисларни саралашдаги шартлари 11 тадан ошмаган. Имом Бухорий: “Мен китобимга фақатгина саҳиҳ ҳадисларни киритдим. Китоб чўзилиб кетмаслиги учун баъзи ўринларда саҳиҳ ҳадисларни ҳам тарк қилдим”, деган сўзларидан маълум бўладики, унинг аниқлаган саҳиҳ ҳадислари 7000 дан анча кўп бўлган [6]. Олимнинг бу асари нафақат ҳадис тўплами, балки фикхий тўплам сифатида тан олинади. Чунки унинг бобларидаги ҳадислар олдидан берилган сарлавҳалар Имом Бухорийнинг ушбу ҳадислардан чиқарган хулосалари эди.

Бу ўлкадан чиққан муҳаддис уламолардан яна бири Имом Термизий (209-279/824-892) бўлиб, у ўзининг “Саҳиҳи Термизий” асарида 3956 ҳадисни жамлади. Имом Бухорийнинг шогирди ҳисобланган бу олимнинг ҳадис илмидаги хизмати сифатида “ҳасан”

тушунчасини ҳадис илмига киритганини санаб ўтиш мумкин. Имом Бухорий бу шогирди ҳақида шундай дейди: “Сен мендан фойдаланганингдан кўра, мен сендан кўпроқ фойдаландим” [8].

Тафсир ва бошқа ислом илмлари бўйича олим Ибн Атийя Андалусий (1088-1146) Имом Термизийга юқори баҳо бериб, шундай деган: “Менинг ҳузуримда Имом Бухорий ва Муслимнинг китобларига қараганда Имом Термизийнинг китоблари нурлироқ ва тушунарлироқ”. Ундан “Нима учун?” деб сўралганида: “Чунки иккита Имомнинг китобларидан фақатгина илм ва маърифат аҳлларигина фойдалана олишади, холос”, деб айтган эканлар [9].

Мовароуннаҳрдаги устоз муҳаддис олимлардан яна бири Имом Доримийдир (797-869) У ўзининг “Сунани Доримий” асарида 3465 ҳадисни жамлади. У илк таҳсилини Самарқандда олиб, сўнг бошқа муҳаддислар каби илм талабида сафарга чиқди ва Мовароуннаҳрдаги илм марказларидан Бухорода ҳамда ундан ташқаридаги Хуросон ўлкасида, Бағдод, Куфа, Восит, Басра шаҳарларига бориб, у ердаги машҳур кишилардан ҳадисдан таълим олди. Дамашқ, Ҳимс шаҳарларининг аҳли илмлари билан учрашди. Абу Ҳафс Насафий ўз асарида унинг Ҳижозда Макка ва Мадина аҳли илмларидан ҳам таълим олгани ҳақида хабар беради. Сафар давомида жамлаган илм дурдоналарини ватани Самарқандга олиб келиб, бу ердаги толиби илмларга улашди.

Имом Доримийдан машҳур муҳаддислардан Муслим (821-875), Абу Довуд (817-888), Термизий (824-892), Муҳаммад ибн Башшор (784-866) каби олимлар ҳадис ривоят қилганлар.

Юқорида номлари зикр этилган муҳаддислар дунёга машҳур олимлар бўлиб, улардан ташқари Мовароуннаҳрда кўплаб ҳадис илми олимлари фаолият кўрсатганлар. Жумладан, Насаф тарихида машҳур муҳаддислар сулоалари катта ўрин тутганлар. Улардан бири Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ан-Насафий (в. 892 й.) – Насафдаги ҳадис илми тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Ўша даврда ҳадисларни отадан-болага, авлоддан-авлодга узатиб ривоят қилиш анъанага айланган бўлиб, Насафда ана шундай муҳаддис оилалари жуда кўп эди. Бунда ҳадис

уламолари бошланғич билимни устоз сифатида ўз оталари ёки боболаридан олар эдилар. Абу Зайд Насафдаги ана шундай муҳаддис оилаларидан бирининг бобокалони эди.

Абу Зайднинг анъаналарини давом эттирган унинг икки ўғли – Абу Солих Халаф ибн Туфайл ан-Насафий (в. 908 й.) ва Абу Ҳомид Зайд ибн Туфайл ан-Насафий (в. 957 й.), невараси ва шогирди – ўғли Абу Солихнинг фарзанди бўлмиш машҳур Абу Яъло Абд ал-Муъмин ибн Халаф ан-Насафийлар (в. 957 й.) ҳам Насафда ҳадис илмини ривожлантиришда катта хизмат қилиб, ўз ота-боболарининг ишини давом эттирдилар [1:304-306].

Насафда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми ҳам эрта даврлардан бошлаб ривожланди. Буюк муҳаддис Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ўзининг илмий сафарлари давомида Насаф шаҳрида ҳам бўлган ва у ердаги ҳадис илмининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Зеро, Насафда ҳадис илми тараккиётининг илк даври Имом Бухорийнинг ҳаёти йилларига тўғри келади. Имом Бухорий Насафдалиги чоғида ундан Абу Зайд Туфайл ибн Зайд (в. 892 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъкил ан-Насафий ас-Санжоний (IX аср) каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар дарс олдилар, унинг ўзи ҳам Насаф уламоларидан анча таъсирланди. Буюк муҳаддис Насаф уламолари томонидан жуда эҳтиром билан кутиб олинди. Улар Имом Бухорийни ўз уйларида меҳмон бўлишини, ўзлари унинг хизматида туришларини шараф деб билар эдилар [5:91-93.].

Мовароуннаҳрдаги илк ислом тарихида Шош (ҳозирги Тошкент) шаҳри ҳам йирик илм марказларидан бири бўлган. Шош воҳасидан ҳам ҳадис илмида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққанлар.

Абу Раби Тоҳир ибн Абдуллох ал-Йилокий буюк фикхшунос эдилар. Марвда Абу Бакр Абдуллох ибн Аҳмад ал-Марвазий, Нишопурда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн-Маҳмаш аз-Зиёдий ва Бухорода олим Абу Абдуллох Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Ҳалийий қўлларида фикх илмидан таълим олганлар. Шош аҳли бу кишидан фикх илмидан таълим олган. Абу Наим Абдулмалик ибн Ҳасан ал-Азҳарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 465 (милодий 1073) йили 96 ёшда вафот этганлар.

Шошлик Фақиҳ Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Довуд ал-Йилокий Хуросонда Ҳасан ибн Масъуддан, Марвда ар-Равздан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яхёдан фикх илмидан таълим олганлар. Чиройли сийратли бу киши кўп хайрли иш қилувчи ва кишиларнинг ҳожатларини чиқаришга доимо мойил бўлган. Марвга келиб, у ердаги мадрасада бир неча муддат яшаган. Бу ерда ҳадисдан дарс берган. Олим 539/1145 йилда вафот этган ва Синжонда дафн қилинган [7].

Мовароуннаҳрда муҳаддиси уламолар томонидан нафақат ҳадис тўпламлари, балки ҳадис илмига оид “илм ар-рижол” жанрида ҳам ўнлаб асарларни ёзиб қолдирганлар. Масалан, Имом Бухорий ушбу жанрда учта “ат-Тариху-л-кабир” (Катта тарих), “ат-Тариху-л-авсат” (Ўрта тарих) ва “ат-Тариху-с-сағир” (Кичик тарих) асарларини ёзган. Унда ҳадисларнинг муҳаддисга қадар етиб келишига хизмат қилган саҳоба, тобеин ва ундан кейинги табақа ровийларининг таржимаи ҳолларини ҳақидаги маълумотларни келтирган. Олимларнинг бу каби асарларни ёзишга уларни ҳадис илмидаги маълумотларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш зарурати ундаган.

Сўз юритилаётган минтақа бўйича ҳадис илмининг “илм ар-рижол” жанрига оид яна бир асар Абу Ҳафс Насафийнинг “Китобу-л-қанд” асари бўлиб, унда 1000 дан ортиқ ҳадис илми олимларининг таржимаи ҳоллари берилган [1:551].

IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тўплам шаклига келтирилган олти ҳадис мажмуалари яратилганидан сўнг, биографиячиларнинг эътиборлари кўпроқ бу тўпламларда учраган ровийларнинг номларини тўплаш, уларнинг тўғри ўқилишини таъминлаш ҳамда ишончли ва ишончсизга ажратиш, муҳаддислар ҳақидаги махсус биографик тўпламларни тузишга қаратилди. Бу олти тўпламнинг тузувчилари бу турдаги асарларнинг биринчи муаллифлари бўлиб қолдилар [11:097]. Бу ўринда мисол тариқасида Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг «Китоб аз-зуафо», Аҳмад ибн Али ан-Насоийнинг (в. 915 й.) «Китоб ал-куно», Абу Бишр ад-Дулбийнинг (в. 932 й.) «Китоб ал-асмо вал-куно» асарларини келтириш мумкин. Ишга янгича ёндашув биографияларнинг жойлашув

тартибини ўзгартиришни талаб этди. Масалан, Имом Бухорий ўзининг «Китоб ат-таърих ал-кабир» асарида ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларини алифбо тартибида жойлаштирган [4].

Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абдулрахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (в. 1015 й.) «Китоб ал-камол фи маърифат ар-рижол мин уламо Самарқанд» («Самарқанд уламоларидан ҳадис кишиларини билиш бўйича мукаммал китоб») асаридир [1:240]. Бу асар бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирийнинг (в. 1041 й.) Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳам юқорида зикр этилган асар каби бизгача етиб келмаган [10:60-61]. Аммо кейинги даврда ёзилган асарлар мазкур йўқолган деб ҳисобланувчи асарлардаги маълумотларни ўзида мужассам қилган.

«Китоб ал-қанд» асари бир қатор бугунги кунга қадар етиб келмаган манбалар маълумотларини бизга етказиб беради. Бу асарда Абу Саъд Идрисийнинг «Китоб ал-камол» [1:240] асаридаги Мовароуннаҳр уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо маълумотларни сақлаб қолган. Абу Ҳафс Насафий ўз асарида бу манбадан 421 жойда фойдаланган [13:371]. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Идрисий асарининг асосий қисми «Китоб ал-қанд»да сақланиб қолган. Яна шуни айтиш мумкинки, Насафий ўз китобига Идрисийнинг асарини тўлиқ киритиб, уни янада тўлдирганидан сўнг бирламчи манбага эҳтиёж қолмай унинг нусхалари йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳадис илмининг турли жанрларида фаолият олиб борган Мовароуннаҳр уламолари ҳадисларнинг кейинги авлодга тўғри ва ишончли ҳолда етказиб бериш учун катта хизмат кўрсатдилар. Бу машаққатли меҳнатнинг самараси бўлган бугунги қимматбаҳо манбалар ёшларни юксак инсоний ғазилатлар руҳида тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
2. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб: 5 жилдли / Абдуллоҳ Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
3. Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия / Сўзбоши, изох ҳамда форс-тожик тилидан таржима муаллифи Комилхон Каттаев. – Самарқанд: Сўғдиён, 1994.
4. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Китоб ат-таърих ал-кабир. 9 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, [йили кўрсатилмаган].
5. Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2000. – № 2. – Б. 91-93.
6. Шоназаров А. Имом Бухорийнинг ҳадис қабул қилишдаги шартлари // <https://www.bukhari.uz/?p=22081>. Мурожаат санаси: 09.10.2024.
7. Шошлик алломалар // <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/shoshlik-allomalar/>. Мурожаат санаси: 09.10.2024.
8. Ҳамрокулов Ж. Имом Термизий // <http://old.muslim.uz/index.php/rukn/hadis/item/1247>. Мурожаат санаси: 09.10.2024.
9. Ҳадис дарслари (30-дарс) Имом Термизий / «Ҳадис ва ҳаёт» китобидан // <https://islom.uz/maqola/10833>. Мурожаат санаси: 09.10.2024.
10. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – Т. I. – 759 с.
11. Шмидт А.Э. Рецензия на книгу: Ал-Ҳафиз Шемс ад-дин Мухаммед б. Ахмед аз-Захабий. Мизан ал-и‘тидал фи нақд ар-риджал // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. – Т. XIX. СПб. – 1909. – Б. 093-0102.
12. Juynboll G.H.A. Muslim tradition: Studies in chronology, provenance and authorship of early hadith. – Cambridge, London, New York, New Rochelle, Melbourne, Sidney: Cambridge University Press, 1983. – 273 p.
13. Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // Arabica. – 1986. – № 33. – Б. 369-382.